КПСС МК Пленуми шарафига

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (1453) | 27 сентябрь, якшанба, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ОБЛАСТИМИЗДА 150 МИНГ ТОННА ПАХТА ТАЙЁР

Пенсильвания штатидаги Питтсбург шаҳрида савдо-саноат ва жамоат доираларининг вакиллари билан 1959 йил, 24 сентябрда бўлган учрашувда

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Губернатор жаноблари!

Мэр жаноблари!

Университет ректори жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар-дўстлар!

Сизлар билан учрашганимга хурсандман. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, сизларнинг шаҳрингиз — катта индустрия шаҳри менга узоқ ўтмишни — болалик ва ўспиринлик чоғларимни, Донбассда ишлаган вақтларимни эслатиб кўз олдимга келтирди. Бунинг сабаби яна шу бўлса керакки, мен умуман иш кишилари билан учрашишни яхши кўраман, аммо ҳар иккала сабабга кўра ҳам сизлар билан учрашиш менга кўпроқ ҳузур бағишлаётган бўлса керак.

Нутқларни тингловчиларга сабр қилиб тинглаб ўтирганлари учун таккаккур изҳор қилишдан иборат яхши одат пайдо бўлибди. Яхши одатларни бузиб ўлтирмайман. Сизларга қизғин кутиб олганликларингиз учун самимий ташаккур айтишга, ишларингизда ва ҳаётингизда сизларга муваффақият тилашга ижозат бергайсиз. Сизларнинг шаҳрингизда турли кишилар билан учрашиб орамизда қандайдир боғланиш вужудга келганлигини ҳис қилдим. Америкаликларнинг ишчанлиги, вақтни қадрлай билишлари, эпчилликлари биз русларга ва барча совет кишиларига кўпдан бери ёқади. Мен, албатта, америкаликларнинг баъзи-[illegible]нингина санаб ўтдим. [illegible]т кишиларимизда ҳам [illegible]хусуситлар — революцион ғ[illegible]ат-жасорат, дадилик, ташаббускорлик хислатлари бор. Бинобарин, ҳар иккала халқнинг куч-ғайрати бирор умумий заминда, масалан, тинчлик ва инсоният тараққиёти учун кураш заминида бирлаштирилса, у ҳолда яхши натижалар ҳосил бўлади. **(Қарсаклар).**

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Энди нутқимнинг бундан буёнги қисмини рус тилида гапириб ўтирмасликка ижозат бергайсиз деб ўйлайман, чунки бу ерда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги рус тилини билмайди. Мен ёш таржимон дўстимдан нутқнинг текстини инглиз тилида ўқиб беришни илтимос қилардим. Бундай қилиш вақтни қисқартиради, чунки ректор жаноблари айтганидек, ё узун ёки қисқа нутқ сўзламоқ керак. Мен ҳам энг қисқа нутқ сўзламоқчи бўлдим. **(Залда кулги, қарсаклар).**

Мана шуларнинг ҳаммасини амалий тилга кўчирайлик.

Сизларнинг мамлакатингиз саноатни ривожлантиришда юксак даражага эришган. Америка Қўшма Штатларида саноатнинг барқ уриб ривожланиб кетганлиги бутун дунёни ҳайратда қолдирди, бошқа мамлакатларни қойил қилди ва ҳатто уларнинг ҳасадини кўзғатди. Ривожланиш суръатлари ва қувват жиҳатидан илгари сизлар билан тенглаша оладиган муносиб мамлакат йўқ эди. Энди бундай мамлакат бор. Бу мамлакат — Совет Иттифоқидир.

Сизларда яратилган фойдали нарсаларнинг ҳаммасидан биз революцион шароитда, янги социал асосда фойдаландик ва сизларнинг муваффақиятларингизни такрорлаш мумкингина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бу муваффақиятлардан ошириб ҳам юбориш мумкинлигини яққол кўрсатдик.

Ҳозир биз баъзи бир ишларда сизларнинг мамлакатингизга етиб олмоқдамиз. Образли қилиб айтганда, шуни демоқ керакки, сизлар биздан биз бир-биримизга ҳуштак чалиб шу ҳуштакнинг овозидан бизни топиб олинг деб айтмоқдамиз. Сизлар биз чалган ҳуштакнинг овозини тобора яқинроқ жойдан ва тобора қаттиқроқ эшитмоқдасиз. Ҳуштакнинг овози йилдан-йилга қаттиқроқ эшитила беради. Яқин орада шундай кун келадики, сизлар билан биз битта станцияда тенглашиб оламиз, сизлар билан саломлашиб, яна олга томон йўлимизни давом эттира берамиз. Лекин ўшанда сизлар эмас, балки бизлар олдинда борамиз. Бизлар сизларга эргашмайсиз, балки сизлар бизнинг орқамиздан борасиз.

Менга нисбатан жуда ҳам қаттиқ турманглар ва воқеаларнинг ривожланиши фақат шу тахлитда боради, деб қаттиқ ишонганлигим учун мендан ранжиманглар. Биз халқларнинг моддий ва маданий талабларини қондиришдек, олижаноб ишда мусобақа қилишга тайёрмиз.

Сизларга шу нарса маълум бўлса керакки, Совет Иттифоқи ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ жаҳонда иккинчи саноат давлати бўлиб қолди.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқ керакки, сизларнинг мамлакатингиз ҳам бир вақтлар иккинчи ўринда турган эди, лекин кейин биринчи ўринга чиқиб олди. Сизлар ҳам буни табиий бир нарса деб ҳисоблаган эдингиз. Бас, шундай экан, биз иккинчи ўриндан биринчи ўринга чиқиб олиш вазифасини ўз олдимизга қўйганимизда нега сизларнинг ватандошларингиздан баъзилари бу мумкин бўлмайдиган ва ҳатто йўл қўйиб бўлмайдиган иш деб ҳисоблайдилар. Биз сизларнинг мамлакатингиз билан чинакамига мусобақалашмоқчимиз. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани бутун дунёда жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Сизларни зериктириб қўймаслик учун бир неча рақамларнигина айтиб ўтаман:

— Бизда пўлат 1958 йилда қарийб 55 миллион тонна эритилар эди, 1965 йилда пўлат эритишни 86—91 миллион тоннага етказмоқчимиз.

— Ўтган йил биз 40 миллион тоннага яқин чўян олган эдик, энди 65—70 миллион тоннага етказмоқчимиз.

— Прокатни 43 миллион тоннага яқин ишлаб чиқарар эдик, 1965 йилда 65—70 миллион тонна прокат чиқармоқчимиз.

Сизларга шуни айтишим мумкинки, етти йилликнинг биринчи йилидаги натижаларга ва 1960 йил учун қилинган тахминларга қараганда саноат ишлаб чиқаришини илгари мўлжалланганига нисбатан анча кўпроқ ошириш имкониятига эга бўламиз. Шундай қилиб, етти йиллик план топшириқлари, биз ҳақиқатан ҳам мўлжаллаганимиздек, ошириб бажарилмоқда ва план муддатидан олдин бажарилиб бўлади.

Кўриб турибсизки биз олга томон катта қадамлар билан бормоқчимиз, шундай қилишга ҳақиқатан қурбимиз етади.

Мамлакатимиз саноатни ва фан-техникани ривожлантиришда қимматли тажрибага эгадир. Шуни айтмоқ керакки, домна печларининг фойдали ҳажмидан бизнинг мамлакатимизда сизларнинг мамлакатингиздагига қараганда яхшироқ фойдаланилмоқда. Мартен печларининг ҳар бир квадрат метр тубидан бизнинг металлургларимиз кўпроқ пўлат олмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда металлургия саноатида кислород билан дам бериш усули кенг миқёсда қўлланилмоқда. Энди биз металлургияда табиий газдан муваффақиятли равишда фойдаланмоқдамиз.

Бунақа ишларнинг ҳаммасини санаб битириш мумкинми, ахир? Аммо мен фақат биргина металлургия соҳасинигина тилга олиб ўтдим.

Образли қилиб айтганда, СССР билан АҚШ сингари иккита буюк саноат давлатининг ўзаро муносабатини техника тилидаги сўз билан айтганда параллель чизиқлар бўйича қилинаётган ҳаракат тариқасида тасаввур қилмоқ мумкин. Сизлар ўзларингизча ҳаракат қилмоқдасиз. Бизлар ўзимизча ҳаракат қилмоқдамиз. Воқеаларнинг бундай ривожланиши баъзи бир кимсаларга эҳтимолки маъқул бўлиб тушаётгандир. Аммо жанжаллашиб ва можаро қилиб юрганга қараганда, ҳатто шундай параллель ва яккама-якка ривожланиш ҳам яхшироқ бўлур эди, албатта.

Лекин мамлакатларимиз ўртасидаги бу муносабатларни бошқача тасаввур қилиш ҳам мумкин. Бу чизиқлар қаердадир, қайси бир нуқтада бир-бирига яқинлашади, деб фараз қилайлик. Бошқача қилиб айтганда, алоқалар боғланади, иқтисодий, маданий ва илмий-техника муносабатлари йўлга қўйилади. Биз ривожланиш шу тахлитда борсин, деб айтмоқдамиз ва техника муваффақиятларимизни сир қилиб сақламасдан, уларни сизларга очиб беришга тайёрмиз. Сизлар ҳам бизнинг мамлакатимизга нисбатан шундай қиласиз. Дуруст, сизларда бундай қилиш одат эмас. Ҳар бир кимса техника сирларини ўзида яшириб саклайди, бошқа мамлакатга кўрсатиш уёқда турсин, ҳатто ўзининг қўшнисига ҳам бу сирларни очгиси келмайди.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Биз бу ишда оддий йўл тутишни, ўзаро манфаатдор бўлиш асосида иш олиб боришни таклиф қилаётирмиз.

Гарчи бизларнинг халқларимиз турлича яшаб, турлича турмуш тартибига амал қилаётган ва бошқа-бошқа одатларга эга халқлар бўлса ҳам, лекин сизлар билан биз битта осмон остида яшашга мажбурмиз. Гарчи иқлим сизларнинг мамлакатингизда бизларнинг мамлакатимиздагига қараганда анча юмшоқ ва иссиқроқ бўлса ҳам, лекин шунга қарамай, сиёсий совуқ шамол бизларнинг мамлакатимиздан эмас, сизларнинг мамлакатингиздан эсмоқда. Дуруст, биз шимол кишиларимиз ва шу сабабли совуқдан қўрқмаймиз. Лекин шундай бўлса ҳам жаҳонда совуқ шамоллар эмас, балки ёқимлироқ, илиқ шамоллар эсгани яхшироқ бўлур эди.

Бизларнинг халқимиз ҳам, сизларнинг халқингиз ҳам уруш бўлишини истамайдилар. Бас, шундай экан, яхши қўшнилар бўлиб яшайлик, бизнинг халқимизнинг тили билан айтганда, тинч, омон бўлиб, иноқ бўлиб яшайлик. Тинч-тотув яшаш принципини муносабатларимизга асос қилиб олайлик. Бу принцип ҳеч бир томонга бирёқлама афзаллик бермайди, ҳеч бир кимса бу принципдан зарар кўрмайди, ёки бу принципга қурбон бўлмайди, лекин, бу принципдан ҳамма манфаат кўради. Энг муҳими шуки, тинчлик иши ҳам манфаат кўради.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎРТОҚ ҒАНИШЕР ЮНУСОВГА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сиз ва Сиз бошлиқ бригада аъзолари пахтадан барвақт мўл ҳосил етиштириш соҳасида эришган меҳнат зафарингизни зўр мамнуният билан қайд қиладилар, бу меҳнат зафари Сиз бошлиқ бригадага пахта сотиш давлат планини бажариш, 82 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта териб олиш ва тайёрлаш пунктига жўнатиш имконини берди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сизни ва Сиз бошлиқ бригаданинг ҳамма аъзоларини—яъни мўл ҳосил учун ҳаракат ташаббускорларини Сизнинг олижаноб меҳнат соҳасида эришган ажойиб муваффақиятингиз билан қизғин табриклайдилар ва ишонч билдириб айтадиларки, Сиз ўз зиммангизга олган юксак мажбуриятларни шараф билан бажарасиз, етиштирилган ҳамма ҳосилни — гектаридан 57 центнердан ҳосилни териб оласиз, ҳосилнинг 50 процентини пахта териш машинасида йиғиштириб оласиз, келаси йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида ўтказасиз ва бу билан КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини янги ғалабалар билан муносиб кутиб оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ғанишер Юнусов бригадаси пахта тайёрлаш планини бажарди

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, Ғанишер Юнусов бригадасидан ўрнак олиб, йиллик планни эртароқ бажариш учун астойдил курашингиз!

Бригаданинг илғор кишилари

Ўртоқ Мансур МУРОДОВ.

Ўртоқ Муътабар ҒАНИЕВА.

Ўртоқ Абдумалик НАЖМИДДИНОВ.

Ўртоқ Андақул САРИМСОҚОВ.

Ўртоқ Ғанишер ЮНУСОВ.

Сўзимиз билан ишимиз бир

Қадрдон касбдошларимиз, ҳаммангизнинг ёдингизда бор, йил бошида бўлиб ўтган катта йиғинда, бу йил бизнинг бригадамиз 82 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиради, областимизнинг илгариги шон-шуҳратини қайта тиклаш, жонажон Ватанга 460 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашга шу йўл билан муносиб ҳисса қўшамиз, деб сизларни ишонтирган эдик.

Ота-боболаримизнинг эр йигитнинг гапи битта бўлади, деган ҳикматли гапи бор. Биз, аҳд қилдингми уни бажар, уддасидан чиқ, деган шиор остида ёз бўйи астойдил бел боғлаб, меҳнат қилдик. Ҳар туп ғўзани фарзандек билиб, меҳр-муҳаббат билан белгиланган агротехника муддатларида кўнгилдагидек парвариш қилдик. Етиштирилган мўл ҳосил кўзларимизни қувонтирганда 50 центнердан ҳам ошириб, ҳосил йиғиштириб олиш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Янгийўлда сўнгги марта бўлган йиғилишимизда илгариги мажбуриятимиз эскириб қолди, энди гектаридан 57 центнердан «оқ олтин» сламиз. 80 процент ердаги ҳосилни машина билан терамиз, деб айтган сўзларимиз ҳудди кечагидек ёдимизда турибди.

Бригадамизда йиғим-терим уюшқоқлик билан бошланди. Ҳар биримиз ваъдага вафо қилайлик, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлсин, Ватан биздан миннатдор бўлсин, деган туйғуни қалбимизга жо қилиб ишладик. 5 та терим машинаси тонг сахардан қош қорайгунча далада бетиним ишламоқда, инсоннинг дўсти машина, оғирмизни енгил қилмоқда. Кундан-кунга хирмонимизга барака киритмоқда.

Бугун биз ғайрат камарини белга маҳкам боғлаб, давон ошдик. Қадрдон касбдошларимиз, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари ортиғи билан бажарганлигимизни сизларга қувонч билан хабар қиламиз. 82 гектар еримизнинг ҳар гектаридан эл хирмонига 31 центнердан «оқ олтин» тўкиб, республикамиз бўйича 3 миллион 50 минг тонна пахта тайёрлаш учун олиб борилаётган курашга ўз ҳиссамизни қўшдик.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев қўриқ ерларни ўзлаштириш ва уни пахтазор водиларга айлантириш биз деҳқонларнинг олдимизда турган олижаноб вазифа эканлигини қайта-қайта уқдириб келди. Биз эна шунга амал қилдик. Янги ўзлаштирилган 32 гектар еримиздан ҳам мўлжалдаги ҳосилни йиғиб олмоқдамиз.

Биз давон ошдик, деб айтдик. Бу сўзимизнинг боиси бор, эл юрт олдида берган ваъдамизнинг уддасидан чиқиш, зиммага олган мажбуриятимизни ҳам ортиғи билан бажариш учун улкан хирмонга гектаридан яна 26 центнердан пахта топшириш керак. Ҳа, юкимиз оғир, аммо аҳдимизга мустаҳкаммиз!

Далаларимизда ҳосил мўл, унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун тинмай кураша берамиз. Биз ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бундан буён кунига 3-4 процентдан пахта тайёрлашга қарор қилдик. Бу қарор қатъий!

Қадрдон касбдошларимиз биз юксак мажбуриятимизни 10 октябргача бажариб, ёруғ юз билан сизларга рапорт берамиз, 20 октябргача шудгорлашни ҳам тамомлаймиз. Келинг, ўзаро социалистик мусобақамизни янада кучайтирайлик, келинг, ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб Ватанимиз бойлигини, кучи-қудратини янада ошириш учун курашайлик, 460 минг тонналик гигант хирмонимиз эртароқ қад кўтарсин.

Ғанишер ЮНУСОВ — бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Халил ЮНУСОВ, Ўктам ЮНУСОВ, Одил ЮНУСОВ Абдумалик НАЖМИДДИНОВ, Андақул САРИМСОҚОВ, Жўрабой САРИМСОҚОВ, Адашбой АБДУВАЛИЕВ, Холмамат АБДУВАЛИЕВ, Эргаш НАЗАРОВ, Килич ОЛТОЕВ, Темирали ОЛТОЕВ, Каромат ОЛТОЕВА, Абдуҳамид СОЛИБОЕВ, Максур МУРОДОВ, Мақсудали ХАТАМОВ—бригада аъзолари.

Бригаданинг илғор кишилари

Ўртоқ Эргаш НАЗАРОВ.

Ўртоқ Абдухалил ЮНУСОВ.

Ўртоқ Қорасоч ЭРГАШЕВА.

Ўртоқ Исроил ҲАМРАБОЕВ.

Н. Меламед чизган расмлар.



Суратларда: 1. Ғанишер бригадасида машина терими пайти. 2. Бригада хирмонида.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Яхши иш бошланди — ҳар иккала томоннинг энг олий раҳбарлари бир-биринг мамлакатига меҳмон бўлиб бормоқда. Менинг АҚШга визит қилиб келишим ва АҚШ президентининг яқинда Совет Иттифоқига визит қилиб бориши бир-биримизни янада яхшироқ билиб олишимизга ва яхшироқ тушуниб олишимизга, ҳамкорлик қилиш йўлини топишимизга ёрдам беради, биз бунга аминмиз. Агар сизларда ҳам, бизларда ҳам шундай истак бўлса йўл ҳам топилади.

Бизнинг мамлакатимизда «Қўшма Штатларга етиб оламиз ва ўзиб кетамиз» деган шиор халқ орасида жуда кенг тарқалди. Бу шиор ватандошларингизнинг баъзиларини ҳатто қўрқитиб юборди, улар бу шиорни Америка учун таҳдид деб билдилар. Лекин бунда сизлар, американликлар учун қандай «таҳдид» бўлиши мумкин? Бизларнинг иқтисодий манфаатларимиз ҳеч қаерда бир-бирига тўқнашмайди. Шунчалик кенг миқёсда тинч қурилиш билан шуғулланиб турган бизнинг мамлакатимиз барқарор ва мустаҳкам тинчлик бўлишидан, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, техника ва савдо алоқаларининг ҳар томонлама ривожлантирилишидан манфаатдор эмасми, ахир? Ҳа, манфаатдор.

Саноати юксак даражада тараққий этган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатларга катта ва тобора кўпроқ ёрдам кўрсатиб туришлари мумкин эмасми, ахир?

Сизларни ишонтириб шуни айтмоқчиманки, етти йиллик планимизнинг тутган йўли тинчлик йўлидир. Бизнинг планимиз одамлар турмушини яхшилашга қаратилган пландир. Афсуски, биз эритилган чўяннинг ҳаммаси ҳам тинч мақсадларга ишлатилмаётган бир вақтда яшаб турибмиз. Агар Америкада, жумладан, бу ерда, Питтсбургда ҳам, Совет Иттифоқида ҳам, шунингдек бошқа мамлакатларда ҳам эритилаётган пўлатнинг ҳаммаси нуқул тинч мақсадлар учун ишлатиладиган бўлиб қолганида, мамлакатларимизнинг халқлари, бутун дунё халқлари нақадар бахтиёр бўлур эди! (Қарсаклар).

Агар мен, умримиз икки баравар узайган тақдирда ҳам бутун умримизни фақат битта улуғ ва муносиб вазифага — халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга сарф қилиш керак бўлур эди, деб айтсам менинг бу гапимга қўшиласизлар, деб ўйлайман. (Қарсаклар).

Бизнинг мамлакатимизда Евгений Вучетич деган машҳур қайкалтарош бор. У, «Қиличларни эритиб плуглар ясайлик» деган қайкал ясаш. Бу тўқинлантирувчи жуда яхши қайкал ҳақиқатан ҳам қар бир кишининг эътиборини ўзига тортади. Бу қайкалда қилични эритиб плуг ясаётган темирчи гавдалантирилади. Сизларнинг орангиздан кимки Нью-Йоркдаги бизнинг виставкамизга борган бўлса, у ана шу талантли асарни кўра олур эди. Ҳозирги вақтда миллион-миллион кишилар умид ва орзу қилган нарсани қайкалтарош бронзада муваффақиятли равишда гавдалантирди.

Қурол-яроғларнинг тўплаб қўйилган запасларини қайта эритмоқ учун мартен печларига юбориш пайти келмадими, жаноблар, танкларни эритиб тракторлар ясаш, тўп-замбаракларни эритиб молотилкалар ясаш, атомнинг бутун қувватини фақат тинч мақсадларга йўналтириш пайти келмадими?

Совет Иттифоқига келганда, биз шу бугуннинг ўзиданоқ бу ишга киришишга тайёрмиз. Мен бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида гапириб ўтдим.

Ғарби булутли осмонда баъзи вақтларда ҳаво ёришиб турса ҳам, лекин сизлар билан биз анча мураккаб халқаро вазиятда яшамоқдамиз. Ҳозир ҳам биз шундай кунларда яшаб турмаяпмизми? Халқаро муносабатларнинг кейинги йилларидаги ҳолатига «совуқ уруш» деб ном берилганлиги бечиз эмас. Кескинлик шароитида «совуқ уруш» осонлик билан иссиқ урушга, иссиқ уруш бўлганда ҳам жуда қайнаб турган урушга — ядро урушига айланиб кетиши мумкин, бу уруш ёндирибгина қолмасдан, шу билан бирга қуйдириб кул қилиб юбориши ҳам мумкин.

Келгусида бўладиган шундай офатларнинг олдини олишнинг энг тўғри йўли — уруш олиб бориш воситаларини йўқ қилиб ташлашдир, яъни «қиличларни эритиб плугларга айлантириш» йўлидир. Биз «совуқ уруш»ни ҳамма жойда ва абадий қонунлар ташқари деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Дуруст «совуқ уруш»нинг давом эттирилишидан манфаатдор бўлган одамлар бор. Улар агар ҳарбий заказлар бўлмаса, тинч мақсадлар учун ишлаб чиқариш фойда келтирмайди, деб қўрқадилар. Улар қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва тинч қурилиш ишларига ўтиш саноатни, бутун экономикани тўхтовсиз талвасага солиб қўяди, деб қаватирланмоқдалар. Лекин бундай кайфиятлар узоқни кўрмасликнинг натижасидир, холос. Бундай кишилар ўз тумшуғидан нарини кўрмаслик принципи билан яшаётган кишилардир. Дарҳақиқат, агар иш ҳозир тайёрланаётган қурол-яроғни ишлатиш даражасига бориб етадиган бўлса, у ҳолда қурол-яроғ ишлаб чиқариш йўли билан орттирилган фойдаларгина эмас, ҳатто шу фойдаларнинг эгалари бўлган кишиларнинг жуда кўплари ҳам уруш оловида куйиб кул бўлиши мумкин.

Мен айтаётган гапларни тўғри тушунишингизни ўтинаман. Мен ҳеч кимга таъна қилмоқчи эмасман, балки фақат шу фикрни уқтириб ўтмоқчиманки, бойлик кўмир ва кулга айланмагандагина бундай бойликдан фойдаланиш мумкин.

Шу нарса сир эмаски, тинчликни сақлаб қолиш учун алоҳида жавобгарлик бизларнинг мамлакатларимизнинг зиммасидадир. Капиталистик дунёнинг энг қудратли йирик мамлакати бўлган АҚШ билан социализм мамлакатлари орасида энг йирик ва қудратли мамлакат бўлган СССР ўз ўрталарида яхши муносабат ўрнатсалар, айниқса ҳамкорлик муносабатларини ўрнатсалар ва бундай муносабатлар биз кутганимиздек дўстлик муносабатларига айланиб кетса, ўшанда халқаро муносабатларнинг қандай тус олиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Бир вақт Д. Эйзенхауэр жаноблари бундай деб ёзган эди: «Америка билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро ишонч бўлган тақдирда, давлатлар ўртасидаги бошқа ҳеч қандай келишмовчиликлар умумий бирликка ва тинчликка ҳеч қандай хавф бўлолмайди». Мен бу сўзларга қўшиламан.

Бу сўзлар иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин орада сал вақт ўтмай айтилган эди. Бу урушда Эйзенхауэр жаноблари жуда катта роль ўйнаган эди. Эндиликда Эйзенхауэр жаноблари Америка Қўшма Штатларининг президентидир. Бу яхши фикрларни нима учун рўёбга чиқариш мумкин эмас? Америка билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро ишонч бўлишини таъминламоқ ва шу тариқа ер юзида ҳамма халқлар учун тинчлик бўлишини таъминлашга ёрдамлашмоқ учун биз ўз қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилишга тайёрмиз.

Бизнинг иккала мамлакатимиз тинчликда ва дўст бўлиб яшашлари учун ҳеч қандай жиддий тўсқинлик йўқ. Мамлакатларимиз ўртасида идеологик тафовутлар бор, албатта. Лекин бу тафовутлар бизларнинг яхши дўст бўлишимизга халақит берган эмас. Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун олиб борилаётган курашда ҳозир ҳам бу тафовутлар кучларимизни бирлаштиришимизга халақит бермаслиги лозим. Реалистик фикр қилувчи одамлар бу ерда, АҚШ да ҳам шундай фикрга келаётганликлари бизни қувонтирмоқда. Бунақа кишилар қанчалик кўпайса, шу қадар яхши бўлади.

Бизлар бир-биримизни яхши тушуниб олишимиз лозим. Биз тинчликни ёлвориб сўраётганимиз йўқ, аммо уруш эмас, балки тинчлик инсониятнинг табиий ҳолатидир, деб ҳисоблаймиз, холос.

Менинг АҚШ га қилган сафарим муносабати билан мамлакатларимиз вакилларининг бир-бирлари билан визит алмашишларидан кузатилган мақсадлар тўғрисида баъзи мамлакатларда турли гап-сўзлар тугилди. Ҳатто баъзи кишилар. Хрушчев «жаҳонни Эйзенхауэр билан бўлишиб олмоқчи» деган гапларни ҳам айтмоқдалар.

Шуни айтишим керакки, бундай гап-сўзлар бутунлай асоссиз ва бемаънидир. Шундай фикр қилаётган кишилар ҳамма воқеаларга босқинчилар кўзи билан қарайдилар. Улар ўзларича, зўр бўлганингдан кейин ниманки учраса ҳаммасини босиб олабер, деб ўйлайдилар! Лекин биз бутунлай бошқа ахлоқдаги кишилармиз. Бизнинг кучимиз халқимизнинг ва бошқа халқларнинг бахт-саодатига хизмат қилади, холос. Биз ўз кучимизни тинчликни ва умумий хавфсизликни таъминламоқ учун фойдаланамиз. Бизнинг кучимиз бошқа ҳеч қандай мақсадга хизмат қилмайди.

Визит айнрбошлаш ҳамда халқаро аҳвол ва Совет-Америка муносабатлари масалалари устида олиб борилаётган суҳбатларимиз фақат бизларнинг мамлакатларимиз учунгина эмас, бошқа ҳамма мамлакатлар учун ҳам фойдали ишдир. Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги низоли масалаларнинг лоақал баъзиларини бартараф қилишнинг ўзи ҳам бутун халқаро вазиятга ва мамлакатларимизнинг катта ва кичик ҳамма мамлакатлар билан бўладиган муносабатларига хайрли таъсир қилмаслиги мумкин эмас.

Сўнгра, Н. С. Хрушчев бундай деди:

Бугун «Места» компаниясининг Уэст Хоумстедаги машинасозлик заводига бориб, бу заводда дирекция билан, хизматчилар ва ишчилар билан учрашиш натижасида олган таассуротларимни энди сизларга айтиб бермоқчиман. Бу учрашувлар яхши учрашувлар бўлди. Заводга бора туриб ва заводдан қайта туриб Питтсбург шаҳрининг аҳолиси билан гарчи орамизда бирозгина масофа бўлса-да, ҳар ҳолда маълум даражада учрашдик. Пўлнинг ҳар иккала томонида турган кўп минглаб кишиларнинг дўстона табрикларига жавоб бериб бориш мени анча қувонтирди.

Машинасозлик компаниясининг вице-президенти Франк Места жанобларига бизни заводда шунчалик яхши кутиб олганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз. Заводни кўриб юрган вақтимизда бизга жуда дўстона муносабатда бўлган ҳамма ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва завод хизматчиларига у орқали ўз ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Питтсбург ва унинг аҳолиси тўғрисида бизда жуда яхши таассурот қолди. Лекин сизлар билан хайрлашиш пайти келиб қолди, агар жоиз бўлса, Лодж жаноблари хурсанд бўлишлари керак: Лодж жаноблари Америка бўйлаб қилинган саёҳатда менга ҳамроҳ бўлиб юришдек ўз зиммасига тушган «огир» ишдан ниҳоят қутуладиган бўлди. (Хурсандлик ва жонланиш).

Г. Лодж: Мен бу ишни бажонидил бажардим.

Н. С. Хрушчев: Қуллуқ. Эҳтимол, бир неча кундан кейин сиз мана энди, азиз меҳмоним, ниҳоят, сизни бажонидил кузатиб қўяётирман деб ҳам айтарсиз. (Залда кулги).

(Г. Лодж кулиб, бу гапингизга қўшилмайман, деган маънода қўли билан имо қилади).

Н. С. Хрушчев: Хўш, шундай қилсангиз ёмон бўлиптими? Ахир, сиз мени яхши кузатиб қўймоқчи эмасмисиз? (Залда кулги). Ёки мени ёмон кузатиб қўймоқчимисиз? (Залда кулги).

Г. Лодж: Сиз яхши меҳмон бўлдингиз. Сизнинг АҚШ бўйлаб қилган сафарингиз тугаб келаётганлигига афсусланаман.

Н. С. Хрушчев: Раҳмат. Шуни айтишим мумкинки, сиз бизнинг мамлакатимизга, Совет Иттифоқига келганингизда бизлар яхши меҳмонгина эмас, шу билан бирга яхши мезбонлар эканлигимизни ҳам кўрасиз. (Залда хурсандлик ва жонланиш. Қарсаклар).

Ажойиб шаҳрингиздаги аҳолининг бизларга, совет кишиларига қилган муомаласидан биз жуда мамнунмиз. Уларнинг бизга хурсандлик билан самимий муомала қилганлигидан мамнунмиз, энг муҳими эса, АҚШга қилган визитимнинг аҳамиятини тушунганлигидан, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш зарурлигини тушунганлигидан мамнунмиз.

Лодж жаноблари менга айтган гапига қараганда, епископ Жон Райт ўз қавмларига мурожаат қилиб, уларга сизлар мамлакатларимиз ўртасида муносабатларни яхшилайдиган шароит вужудга келтирмоқ учун Хрушчев жаноблари ва унинг ҳамроҳларини яхши мезбонлар сингари кутиб олинглар деб айтибдики, бунинг учун унга самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Бу руҳоний зотга бу ерда зиёфат бошланишдан олдин дуо қилганлиги учун ҳам астойдил ташаккур изҳор қиламан. Менга таржима қилиб беришларига қараганда, у, муносабатларимиз яхшилансин, одамлар ўртасида, мамлакатлар ўртасида, ҳамма халқлар ўртасида тинчлик барқарор бўлсин, деб дуо қилибди.

Сизларга шуни айтишим керакки, жаноблар, бизнинг мамлакатимизда ҳамма кишилар, атеистлар ҳам, динчилар ҳам, ҳамма динларнинг пешволари ҳам (бизнинг мамлакатимизда эса халқлар кўп ва турли динлар ҳам кўп) — уларнинг ҳаммаси қандай диний эътиқодда бўлишдан, бадиининг туси қайхилда бўлишидан қатъий назар, бир фикр билан яшамоқда, — совет кишиларининг ҳаммаси тинчлик бўлишини истайдилар ва халқлар ўртасида тинчлик бўлишини, бутун дунёда тинчлик бўлишини таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўралилар. Сизларнинг руҳонийларингиз, епископларингиз сингари бизлардаги руҳонийлар, домла-имомлар, раввинлар ҳам ер юзида тинчлик бўлсин ва халқлар ўртасида дўстлик бўлсин деб худога илтижо қилмоқдалар. (Қарсаклар).

Сизларни ишонтириб шуни айтмоқчиманки, мен сизларнинг оллингизда бемалол гапираётирман, чунки бу ерда тўпланганларнинг кўплари Совет Иттифоқига бориб келган ва бизнинг давлатимиз тўғрисида, халқимиз ва унинг меҳмондўстлиги тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлган кишилардир, сизлар ўз ватанингизни, ўз давлат тузумингизни қанчалик севсангиз, биз ҳам ўз Ватанимизни, ўз давлатимизни шунчалик севамиз. Бизнинг мамлакатимиздаги кишилар ҳам ўз оналарини, ўз болаларини сизлар каби севадилар. Сизларнинг шаҳарларингиз ва қишлоқларингиздан ўтиб бораётганимизда яхши ёш авлод кўпайиб бораётганлигини кўрдик. Бизларнинг мамлакатимизга борсангиз бу соҳадаги муваффақиятларимиз саноатни ривожлантиришдаги муваффақиятларимиздан кам эмаслигини кўрасиз. (Залда хурсандлик ва жонланиш). Бизнинг мамлакатимиздаги кишилар ҳам ўз болаларини, хотинларини, оталарини ва оналарини шундай севадилар ва уларни бахтли-саодатли қилиш гамини емоқдалар. (Қарсаклар).

Сизларнинг мамлакатингиз бой мамлакат, сизлар турмушда юксак даражага эришгансиз. Сизларни «коммунизм қуллари»ни озод қилишни илтижо қилиб дуо қилишга даъват қилганларида мен вице-президент Никсон жаноблари билан Москвада учрашганимда унга ҳазиллашиб:

— «Коммунизм қуллари» қандай яшаётганлигини ўз кўзингиз билан кўринг, улар билан гаплашинг, улардан, турмушингиздан нолияпсизми, деб сўранг, — деган эдим.

Мана энди сизларда меҳмон бўлиб турган пайтда ҳам ўша ҳазиллашиб айтган гапимни такрорламоқчиман. мени қаттиқ қойманглар, мен капитализм қуллари қандай яшаётганлигини кўриш учун келганман. Шуни айтишим керакки, сизлар ёмон яшаётганингиз йўқ. Лекин биз ҳам сизлардан қолишмаймиз; яхши яшаяпмиз ва бундан кўра ҳам яхшироқ яшамоқчимиз. Биз ўзимизни, ўз Ватанимизни қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз, сизларга етиб олишимизга ва ўзиб кетишимизга аминмиз. Илгари вақтларда қароқчилар бўлар эди, улар ўзлари ҳеч бир нарса яратмас эдилар, улар бошқа халқлар яратган нарсаларнигина талаш билан шуғулланар эдилар. Биз, шундай қароқчиларнинг усули билан эмас, балки ўз кучимиз билан мамлакатимизнинг бойлигини кўпайтирмоқчимиз ва сизларга етиб олмоқчимиз. Биз, моддий воситаларни сизлар яратаётганингизга қарагандa кўпроқ яратадиган бўлиш учун ўзимизнинг жисмоний ва маънавий кучларимизни сарфлаш йўли билан сизларга етиб олмоқчимиз ва ўзиб кетмоқчимиз. Такрор айтаманки, сизларга етиб олиб, ўзиб кетишимизга аминмиз. Биз сизлар билан мусобақа қилаётган ҳалол партиёрлар бўлганлигимиз сабабли сизларни огоҳлантириб айтамизки, сизлар ҳам илдам қадам қўйинглар, акс ҳолда орқамизда қолиб кетишингиз мумкин. Биз шуни айтамизки, ўз бойликларимиздан ҳеч қачон бошқа бирор халққа зиён етказадиган қилиб фойдаланмаймиз. Тинчлик манфаатларини кўзлаб, бизлар сизлар билан баравар оёқ ташлаб боришимиз, ҳамма халқлар билан биргаликда боришимиз керак. (Гулдурос қарсаклар).

Жаноблар, сизларга ўзингизнинг капиталистик тузумингиз ёқади. Биз халқимиз яратган ўз социалистик тузумимизни жуда яхши кўрамиз. Сизлар, бизнинг тузум яхши деб айтаяпсиз. Бас, шундай экан, бошқа фикрга келгунингизча шу фикрингиз билан яшайберинг. Биз сизга астойдил айтаяпмизки, социалистик тузум яхши тузум. Бу тузум ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши учун энг яхши шароит яратиб беради ва бинобарин, экономикани ва маданиятни яшнатишга кўпроқ кўмаклашуви мумкин. Социализмнинг афзалликлари Совет Иттифоқининг ва бошқа мамлакатларнинг мисолида ғарбий яхши намойиш қилиб кўрсатилган бўлса ҳам, аммо ҳозирча сизлар буни тан олмаётирсиз. Ижтимоий тузум тўғрисидаги турлича қарашлар бизларнинг ҳамкорлик қилишимизга халақит бермаслиги керак. Сизларга капитализм ёқиб қолган бўлса, майли, капитализм шароитида яшайберинглар, ўзларингизнинг қариб қолган отингизни миниб, йўлингизни давом эттираберинглар. Аммо, биз янги, йўрга, социалистик отни миниб борамиз. Шунинг учун сизларга етиб олиб, ўзиб кетишимиз осонроқ бўлади. Лекин бу икки системанинг иқтисодий мусобақасидир, Агар бизлар тинч мусобақа йўлига тушиб олсак, бундан ҳамма халқлар манфаатланади, чунки давлатлар ўртасида урушлар бўлмайди, одамларнинг қони тўкилмайди. (Қарсаклар).

Бу ерда сўзга чиққанларнинг ҳаммасига — губернатор Лоуренц жанобларига, Лодж жанобларига ва раислиқ қилувчи университет ректори Летчфильд жанобларига ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Бу ерда сўзланган нутқларнинг ҳаммасига қўл қўйиб бера оламан, фақат губернатор жаноблариниг умуман менга ёққан нутқи муносабати билан баъзи бир нарсани аниқлаб, битта мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ҳамма нотиқларнинг нутқлари яхши тузилган ва губернатор жаноблариниг нутқи, айниқса бу нутқнинг охирги қисми жуда муваффақиятли. ҳатто айтишим мумкинки, жуда усталик билан тузилган. Мен нотиқ сифатида сизга ҳавасим келди, губернатор жаноблари. (Залда кулги, қарсаклар).

Сиз губернатор жаноблари ўз нутқингизнинг охирида, халқингиз ҳукумат сиёсатини бирёқадан бош чиқариб қувватлаётганлигини, АҚШнинг республикачи партияси ва демократик партияси ўз тузумини ва ўз давлатини ҳимоя қилиш ва қувватлашда тўла бирлик кўрсатаётганликларини, улар президентни ва у ўтказаётган ташқи сиёсатни қувватлаётганликларини айтиб ўтдингиз.

Бу гапнинг икки хил маъноси бўлиши мумкин. Менингча, бу нутқни қандай талқин қилиш мумкинлигини айтиб бермоқчиман. Бу нутқдан: Хрушчев, билиб қўй! (Залда кулги). Бизда иккита партия бўлса ҳам, лекин бир ёқадан бош чиқаришимиз, деган маъно ҳам чиқиши мумкин.

Аммо, партияларингиз ўртасидаги фарқ қанақалигини худо билади. сизлар бунинг фарқига борасизларми ёки йўқми, билмайман, лекин мен бунинг фарқига унчалик бормайман. (Залда кулги, қарсаклар). Агар аниқроқ қилиб айтсам, мен бу партиялар ўртасидаги фарқни кўрмайман. Лекин, губернатор жаноблариниг нутқида бундай бир ишора ҳам бўлиши мумкин: сен, Хрушчев, эртага президентимиз билан гаплашасан. Биз президентимизни ёқлаб овоз берамиз — қаттиқ тур, бардам бўл, биз сени қувватлаймиз.

Мен бу имо-ишораларга жавобан сизларга шуни айтишим мумкин: сизлар элчингиз Томпсон жанобларидан ва унинг рафиқасидан сўраб кўринглар, Томпсон жаноблари бир неча йилдан бери Москвада мамлакатингизнинг элчиси бўлиб турибди, агар гапим нотўғри бўлса, у хатосини кўрсатиб берсин. Бизнинг совет халқимиз бир ёқадан бош чиқараётган халқдир, у ўз Коммунистик партияси теварагига жипслашган, ўзининг жонажон партиясини жаҳонда энг яхши партия деб ҳисоблаб, бу партияни қувватламоқда. Бизнинг битта Коммунистик партиямиз сизларнинг иккала партиянгиздан яхшироқдир, (Залда жонланиш). Бу—менинг фикрим. Сизлар, Хрушчев бизларнинг партияларимизни яхшироқ деб айтади, деб ўйлармидингиз? Агар мен шундай деб айтадиган бўлсам, сизлардаги партияларнинг бирига аъзо бўлиб кирган бўлар эдим. (Залда кулги).

Бизнинг халқимиз ўз Совет ҳукуматини қувватлайди. Мен АҚШга йўлга чиқаётган вақтимда кўп ўртоқлар менга, сиз президентингизга айтаётганингиздек, бундай дейишган эди: Ўртоқ Хрушчев, Америкага бор, Америка халқи билан ва Америка ҳукумати билан тинчлик ва дўстлик ўрнатилишига ҳаракат қил, лекин қаттиқ тур. (Залда жонланиш).

Агар шу тахлитда иш кўрадиган бўлсак, бир-биримиз билан муроса қилмайдиган позицияда — мен ўз позициямда, АҚШ президенти эса ўз позициясида тураверсак, у ҳолда эртага бўладиган гапимиздан иш чиқмайди. Эртага бўладиган музокараларимиз оқилона қарорлар топиш учун олиб бориладиган музокаралар бўлмай, балки ўжарлик қилишдан бошқа ган бўлмайди. Буни образли қилиб айтганда, иккита хўкизнинг ўжарлигига ўхшатиш мумкин: иккита хўкиз бир-бири билан кимнинг оёғи бақувват, кимнинг манглайи бақувват, кимнинг шохи узун, ким тезроқ шохини тиқиб олади, деб ўжарлик қилиб тура беради.

Совет Иттифоқи халқларининг, Америка халқларининг, ҳамма мамлакатлардаги халқларнинг бизлан қутгани шуми, ахир? Сизларнинг оёқларингиз бақувват, аммо бизларники ҳам букиладиган оёқ эмас. Шу сабабли, низоли масалаларни куч билан эмас, балки ақл билан ҳал қилиш учун мусобақа қилишайлик. Ҳамма халқлар бизлан шуни кутяпти. (Қарсаклар).

Ўз халқи қўллаб-қувватлаётган, ҳурматлаётган ва меҳрибон бўлган давлат бошлиги билан музокаралар олиб бориш менга завқ бағишлайди. (Қарсаклар). Мен ўз совет халқимнинг вакиличман. Совет халқи ўз ҳукуматига ва Совет ҳукуматининг бошлиги бўлган, Совет Иттифоқи ва улуғ совет халқи сизларга вакил қилиб юборган киши бўлган менга ишонч ва ҳурмат билан қараётганлиги учун миннатдорман.

Бундай ҳолатда бир-биримизга мақбул бўладиган қарорларга, яъни ҳар иккала мамлакатимизнинг халқларига мақбул бўладиган қарорларга келишимиз осонроқ бўлади. Агар халқда бирлик бўлмаса, халқ давлат бошлиғини қўллаб-қувватламаса, бундай бошлиқ оқилона қарор қабул қилолмайди. У ҳамиша гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга, масалан, гоҳ демократларга гоҳ республикачиларга, билмадим яна кимларга нигорон бўлавeради. Чунки бундай бошлиқ ўз позициясини халқ қувватлайдими ёки қувватламайдими, буни қаттиқ ишонолмайди.

Сиз, губернатор жаноблари, айтган гапингизни шу тахлитда, яъни америкаликларнинг президентингизга кўрсатаётган ишончи ва муҳаббатини таслиқлайдиган ҳақиқий мандат деган маънода, президентингиз мен билан бўладиган музокаралар ва суҳбатларда оқилона далиллар топишини, халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатларни, ҳар иккала давлатимиз ўртасида, шунингдек барча давлатлар ўртасида ҳам яхши тинчлик ўрнатилишини ҳақиқатан таъминлайдиган ўзаро мақбул қарорларга биргаликда келишимизни тилаб билдирилаётган истак тариқасида талқин қилмоқчиман.

Мен ўз халқимнинг, ўз ҳукуматимнинг мана шундай ишончига эга бўлиб АҚШга келдим. Сизнинг ҳурматли президентингиз Дуайт Эйзенхауэр жаноблари билан бўладиган учрашувлар ва суҳбатларда ана шу ишончга таяниб гаплашаман.

Агар бизларнинг иккала мамлакатимиз ўз ўрталарида ишончсизлик ўрнига ишонч мусобақаларини ўрнатиб, ўзлари учун ва ҳамма учун тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган курашда ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирсалар, бутун дунё халқлари бизларни қўллаб-қувватлайдилар.

Илтифотларингиз учун ташаккур! (Давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Область партия комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг 21 сентябрдан 26 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Гулистон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Укибоев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Т. Умаров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Хўжаназаров,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Сутюшев**) берилди. Бу район ўтган беш кун ичида планга нисбатан 12,21 процент пахта тайёрлаган, пахта тайёрлаш планини 36,08 процент бажарган ва мавсум бошидан бери машинада 1213 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 18,95 процент бажарилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё районидаги «Гулистон» совхозига (директори ўртоқ **М. Ғаниев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Р. Шимаков,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **А. Исаков**) берилди. Бу совхоз бўйича ўтган беш кунликда планга нисбатан 12,72 процент пахта тайёрланган, йиллик план 38,91 процент, ва машинада пахта териш плани 30, 0 процент бажарилган.

Пахта териш ва тайёрлаш юзасидан **Боёвут районининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Сардоров,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Э. Исломов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Одилхонов,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Юсуфхўжаев**) яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Бу район 5 кун ичида 12,01 процент пахта тайёрлаб йиллик планнинг 35,72 проценти миқдорида пахта топширган, мавсум бошидан бери машинада 1952 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш планини 14,14 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қуйи Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Сотиболдиев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мерганов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Исломов,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Азизов**) берилди. Бу район бўйича ўтган беш кун ичида 13,37 процент пахта тайёрланган, йиллик планнинг 31,8 проценти миқдорида пахта топширилган, мавсум бошидан бери машинада 688 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 22,93 процент бажарилган. Байроқ Пискент районидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўка районидаги **«Бўка» совхозида** (директори ўртоқ **М. Ботиров,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **М. Акимбоев,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **К. Бекберганов**) қолдирилди. Бу совхоз ўтган беш кун ичида 21,21 процент пахта тайёрлаб, планни 52,89 процент бажарган. Машинада 318 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 53,0 процент бажарилган.

Машинада пахта теришни намунали ташкил этган **Чиноз районининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Акрамов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қирғизбоев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **М. Қосимова,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Жениевский**) яхши иши қайд қилинди. Бу район бўйича мавсум бошидан бери машинада 684 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 22,06 процент бажарилган.

Пахта йиғим-теримда ўрнак кўрсатиб ишлаган илғор теримчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон ва Қуйи Чирчиқ районларига 5 минг сўмдан пул ва ҳар икки районга илғор колхоз ва совхозларга сотиш учун 3 тадан юк автомашинаси ажратилди.

Йиғим-теримда намуна кўрсатиб ишлаган ишчиларни ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини мукофотлаш учун Сирдарё районидаги «Гулистон» ва Бўка районидаги «Бўка» совхозларига 3 минг сўмдан пул берилди.

Машинада пахта теришда юқори кўрсатгичларга эришган механик-ҳайдовчиларни, колхозларни, РТС ходимларини мукофотлаш учун Чиноз районига 3 минг сўм пул ажратилди.

Кеча қанча пахта тайёрланди

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш		Мавсум бошидан бери	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Пискент	2,18	2,21	37,42	15,92
Гулистон	2,99	2,38	36,08	18,95
Боёвут	2,70	2,61	35,72	14,14
Сирдарё	2,49	4,62	33,10	21,60
Юқори Чирчиқ	2,27	2,0	31,84	12,44
Қуйи Чирчиқ	3,12	6,77	31,80	22,93
Бўка	2,32	3,65	31,64	19,97
Бекобод	2,51	2,13	31,32	11,26
Оққўрғон	2,27	1,27	31,13	9,00
Ўрта Чирчиқ	2,26	1,38	30,55	11,08
Орджоникидзе	2,04	—	30,12	—
Чиноз	2,35	4,55	29,13	22,06
Янгийўл	2,19	1,93	28,58	13,33
Область бўйича	2,45	2,70	32,32	15,01

Сўнгги ахборот

✦ Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Президиумининг раиси Димитр Ганев ва Болгария Министрлар Совети раиси Антон Югов Н. С. Хрушчев ва К. Е. Ворошилов номига жавоб мактуби юбордилар. Бу мактубда улар Болгариядаги социалистик революциянинг 15 йиллиги муносабати билан юборилган самимий табриклар учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

Болгар халқи, дейилади мактубда, совет халқига, унинг раҳбар партиясига — қаҳрамон ва доно КПССга ҳамда ғолиб Совет Армиясига чуқур миннатдорчилик туйғуларини муқаддас билиб абадий сақлайди.

Мактубда Болгария меҳнаткашлари ҳаётбахш болгар-совет дўстлигини ҳамда Совет Иттифоқи бошлиқ социализм лагери халқлари билан қардошлик алоқаларини бундан буён ҳам янада кўпроқ сақлайдилар, мустаҳкамлайдилар ва ривожлантирадилар, деб таъкидланади.

✦ Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми»—КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил 24—29 июнда бўлиб ўтган Пленумининг иши ҳақида стенографик ҳисобот китобини нашр этди.

Китобда КПСС Марказий Комитети Пленуми мажлисларининг стенограммаси ҳамда Пленум стенограммасига илова қилинган нутқлар босилган.

Китоб кўп нусхада босиб чиқарилди.

✦ Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига 24 сентябрда 70 дан ортиқ совет мутахассислари тўпланди. Улар саноат корхоналари қурилишида қардош Хитойга техника ёрдами кўрсатишга иштирок қилган эдилар. Бу ерда ҳозир бўлганлар орасида инженерлар, техниклар, врачлар, ўқитувчилар, ишчилар бор эди. Уларнинг ҳар бирига «Хитой-Совет дўстлиги» медали топширилди. Улар бу медаль билан Хитой Халқ Республикаси ҳ

Каноп ва жут экувчи колхозларнинг меҳнат ғалабаси

Каноп ва жут етиштириш илғорлари

Суратларда: (юқоридан паст.га) . Ўртоқ Холдор Убаев — Юқори Чирчиқ районидаги «Пол[illegible]дел» колхозининг [illegible] каноп етиштиришда фидоко[illegible]лик билан меҳнат қил[illegible]ди. Хо[illegible] кунига 16—18 сотих ердаги [illegible]нопни ўриб, нормаси[illegible]ни ик[illegible]иссага етказиб бажар[illegible]моқда. [illegible]ртоқ Хон Николай — Юқори[illegible] Чирчиқ районидаги «Пра[illegible]» колхозининг бригадири. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Ўртоқ Хон бир неча йилдан буён бригадага моҳирлик билан бошчилик қилиб келмоқда. Унинг бригадаси бу йил 175 гектар ернинг ҳар гектаридан 157 центнердан кўк каноп пояси топшириб, плани ортиғи билан бажарди.

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КУРАШАМИЗ

Бизнинг районимиз етти йилликнинг биринчи йилида давлатга 80 минг тонна каноп пояси топшириш юзасидан юксак мажбурият олган. Механизаторларимиз, колхозчиларимиз ҳамкорликда меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришга илғор агротехника методларини жорий қилиб, мажбуриятни бажаришимизни таъминлайдиган даражада луб ҳосили етиштирдилар. Бу ҳосилни ўриб олиш ва далани ўзида поясини шилиб тайёрлаш ишлари ҳам ўз вақтида бошлаб юборилди.

Ҳамма ерда иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилганлиги, ҳар бир ишчи, ҳар бир механизатор, ҳар бир колхозчи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, каноп ўриш ва уни қайта ишлаш ишларини муваффақиятли ўтказдилар. Натижада районимизда луб экинлари ҳосили тайёрлаш давлат плани 101 процент қилиб, ўтган йилдагига қараганда 8 кун олдин бажарилди. Пландаги 60 минг тонна ўрнига 60 минг 60 тонна маҳсулот тайёрланди. Район бўйича ўртача ҳар гектар ердан 120 центнердан, ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда гектаридан 20 центнердан кўп ҳосил олинди.

Айрим луб экувчи колхозлар қўлга киритган муваффақиятлар ниҳоятда кувончли бўлди. «Ўзбекистон» колхозининг аъзолари фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Бу хўжалик 15 сентябрдаёқ планни бажарган эди, улар суръатни бўшаштирмасдан пландан ташқари луб топширишни давом эттирмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Хван Ман Гим раислик қилаётган «Политотдел» колхози каноп-дан энг юқори ҳосил етиштирди. Бу колхозда давлатга луб экинлари ҳосили топшириш анча ортиғи билан бажарилди, ҳар гектар ердан ўртача 160 центнердан ҳосил топшириш учун кураш кетяпти.

Свердлов номли, «Правда», Ленин номли колхоз аъзолари ҳам меҳнатда юқори кўрсаткичга эришдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, аввалларидек иқтисодий қолоқ ва планни бажармасдан келаётган Навоий номли, (раиси Н. И. Ким, партия ташкилотининг секретари Утебаев ўртоқлар) колхоз бу йил ҳосилдорлик жиҳатидан ўзини ўнглаб олди. Ўтган йиллари ҳар гектар ердан топшириладиган ҳосил 35—38 центнердан ошмас эди. Бу йил ҳосилдорлик икки ҳисса ўсди.

Жуда кўп бригадалар борки, булар юқори ҳосил етиштиришда ҳаммани қойил қолдирдилар. «Политотдел» колхозининг Хан Мун Сек ва Пак Си Гир, «Правда» колхозининг Хон Николай, Ким Ен Так, Свердлов номли колхознинг Цой Ген Вон, Тен Ю Нэк, Пак Георгий ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 150 — 175 центнердан ҳосил топширилди.

Коммунистлар ва комсомоллар йиғим-терим даврида авангардлик кўрсатиб ишладилар.

Луб экувчи колхозларимизнинг даромади йилдан-йилга кўпая бормоқда. Масалан, ўтган йили колхозларда 142,5 миллион сўм даромад қилинган эди. Бу йилги даромад тахминан 160 миллион сўмга етиши мўлжалланмоқда.

Бизнинг районимиз кўп йиллардан буён уруғлик каноп ўстириш ва уруғ тайёрлаш планини бажармасдан келар эди. Бироқ, бу йил ана шу муҳим ишга алоҳида эътибор бердик. Шу туфайли уруғлик каноп ҳосили мўл бўлди. Давлатга 610 тонна уруғлик каноп сотиш юзасидан олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажариш учун барча имконият бор. Колхозларимизда уруғлик каноп-ни йиғиштириш ишлари қизитиб юборилган.

Районимиз колхозчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари камида 20 минг тонна каноп маҳсулоти топшириш юзасидан қўшимча мажбуриятолдилар. Далаларимизда ҳали ҳосил мўл. Биз бу мажбуриятни ҳам ҳеч шубҳасиз бажариш учун барча имкониятга эгамиз.

Шулгор—мўл ҳосил гарови экалигини колхозчиларимиз яхши биладилар. Шунинг учун ҳам каноп экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йилнинг тараддудини қилиб, шудгорлашни ҳам кучайтириб юборганмиз. Ҳозиргача 3 минг гектарга яқин сугориладиган ерни ҳайдаб қўйдик.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа турлари бўйича давлатга маҳсулот сотиш юзасидан белгиланган планларимиз ҳам муддатидан анча илгари бажарилди. Дон, пилла, сут, гўшт, жун, тухум тайёрлаш ва давлатга сотиш планлари ҳам анча ортиғи билан бажарилди. Пландаги 30 минг тонна ўрнига 42,4 минг тонна силос бостирилди.

Бизнинг районимизда пахта ҳам етиштирилади. Ҳозирги пайтда луб ҳосили етиштириш билан бирга пахта йиғим-теримига ҳам катта эътибор бермоқдамиз.

Районимиз меҳнаткашлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлашни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб биладилар. Биз 1 ноябрга қадар пахта тайёрлаш ва уруғлик каноп тайёрлаш планини бажариш учун курашамиз. Октябрнинг 42 йиллиги байрамигача пландан ташқари 20 минг тонна луб ҳосили топшириш юзасидан олган қўшимча мажбуриятимизни адо этамиз.

И. КАРИМОВ,
Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси.

Каноп ва жут етиштириш илғорлари

Суратларда: (юқоридан пастга) Ўртоқ Югай Татьяна, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг 1-бригадаси аъзолари. Татьяна меҳнатсевар қиз сифатида тилга оладилар. Шу кунларда у уруғлик каноп пояси боғлашда намуна кўрсатиб ишламоқда. Ўртоқ И. Кормачев —Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз 4-бригадасининг аъзоси. Кормачев кундалик нормасини тўрт ҳиссага етказиб бажармоқда.

Уруғлик мўл бўлади

Районимизда кўп йиллардан бери каноп уруғлиги етиштириш юзасидан берилган топшириқ бажарилмасдан келади. Бу йил барча колхозлар ана шу соҳадаги қолоқликни тугатишга йил бошиданоқ киришдилар. Биз ҳам уруғлик етиштириш ишини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдамиз. 166 гектар ердаги уруғлик каноп-ни ўз вақтида экиб, сифатли парвариш қилиб, эрта пишиб етилишига эришдик. Мана энди ҳозирги кунда уруғлик каноп-ни ўриш ишини кучайтириб юборганмиз. Шу билан бирга қуритилган поя-ларни янчиб, уруғликни ажратиб олмоқдамиз.

Илгарилари бу ишни бажаришда фойдаланиб келаётган машина бизни анча қийнар эди. Олимларимиз бу йил МК-6 маркали янги машинани ихтиро қилиб, луб экувчи колхозларнинг ихтиёрига юбордилар. Ҳозир бу машина бизга жуда қўл келиб қолди. Уруғликни янчиб, осонлик билан ажратиб олинишида машинанинг хизмати ҳаммани ҳам мамнун қилмоқда.

Мен 5 йилдан буён уруғчилик бригадасига бошчилик қилиб келаман. Ўтган йили ҳар гектар ердан 88 центнердан поя ва 5 центнердан уруғлик берган эдик. Бу йилги мўлжалимиз ҳам катта. Ҳар гектар ердан 90 центнердан поя ва камида 5 центнердан уруғлик топшириш учун курашамиз. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Ишчи кучларимиз ҳам, транспорт ва машина ҳам етарли.

Бизда ҳар бир колхозчи — бригада аъзоси нормасини ортиғи билан бажариш учун курашади. Барабанчилардан Пўлат Баратов, механизаторлардан Илёс Мўлдумаров ва бошқа ўртоқлар ўз вазифаларини фидокорлик билан адо этмоқдалар. Кундалик нормани ортиғи билан бажармоқдалар. Ҳар бир соат, ҳар бир минутдан унумли фойдаланиб иш суръатини тобора кучайтирмоқдамиз. Давлатга мўл ва сифатли уруғлик етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз ўз мажбуриятимизни муддатидан илгари бажариш учун ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этганмиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, биз уруғлик каноп-ни ўриб-йиғиш, янчиш ишларини сифатли ўтказамиз, уруғлик мўл бўлади.

ХВАН СУН ХА,
Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг 5-уруғчилик бригадаси бошлиғи.



Қуйи Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг 5-бригадаси аъзолари сифатли каноп уруғи тайёрлаш учун курашмоқдалар. Суратда: МК-6 агрегатида каноп уруғини янчиш пайти.

Пландагидан икки ҳисса кўп

Бизнинг колхозимиз давлатга кўк луб пояси топшириш планини 130 процентга етказиб бажарди ва районда энг олдинги ўринни эгаллади. Бироқ биз эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаймиз. Артелимиз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, луб заводларига қўшимча равишда 6 минг тонна луб топшириш юзасидан мажбуриятолдилар.

Биз ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз. Бутун етиштирилган каноп ҳосили хўжалигимизнинг ўзида қайта ишланмоқда, каноп поясини шилиш юзасидан белгиланган графикни ҳар куни ортиғи билан бажармоқдамиз.

Дастлаб шуни айтиш керакки, правление барча бригадаларнинг хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчириш ҳақида ғамхўрлик қилди. Бу тадбир техника ва ишчи кучлари ресурсларидан унумли фойдаланиш, шунингдек меҳнат интизомини мустаҳкамлаш имкониятини берди.

Биз далада ишлаётганларга маданий ва маиший шароит яратиб бериш тўғрисида ҳам кўп ғамхўрлик қилдик. Ҳар бир бригадада умумий овқатланиш ташкил этилди, болали аёлларнинг унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратилди.

Буларнинг ҳаммаси дастлабки кунларданоқ ҳосил йиғиш суръатининг кучайиши, графикнинг узлуксиз равишда ортиғи билан бажариб борилишини таъминлади. Социалистик мусобақада ўртоқ Югай Борис бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Бу ерда 3 та ПП-9 машинаси тинимсиз ишлаб турибди. Айниқса тракторчи ўртоқ Владимир Понамарчук юқори кўрсаткичга эришмоқда. Барабанчилардан ўртоқ Тостон Илёсов нормадаги 800 килограмм ўрнига кунига 1700 килограммга етказиб каноп поясини қайта ишламоқда. Каноп поя ўрувчилар, луб қурутувчилар ҳам нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Колхоз правлениеси побудгарчиликка қарши қатъий кураш олиб борди. Биз каноп ўрувчи Абдувакил Тошқўлатов ва бошқа баъзи ўртоқларнинг каноп поясини ҳаддан ташқари юқори қисмидан ўриб олаётганликларини сезиб қолдик. Улар ўз вақтида огоҳлантирилди, шунингдек агитаторларимиз колхозчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориб, бир сантиметр поядан қанча грамм кўк луб олиш мумкинлигини тушунтирдилар. Шулар натижасида побудгарчиликнинг олди олинди.

Агитаторларимиз колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйганлар. Улар фақатгина газета ўқиб бериш, суҳбат ўтказиш билангина чегараланиб қолмасдан шу билан бирга социалистик мусобақанинг боришини ҳам кузатиб борадилар, аниқланган камчиликларнинг тугатилишида колхоз правлениеси ва партия ташкилотига катта ёрдам берадилар.

Далаларимизда иш кундан-кунга қизиб бормоқда. Лубчиларимиз олинган мажбуриятни ҳам, саноатга қимматбаҳо, юқори сифатли хомашё етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарадилар.

ТИН ЧАН ЕН,
Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раиси,
Г. ХАН,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Тўқсон минг тонна учун

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақа асосида ишлаётган районимиз колхозлари меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга луб ҳосили топшириш плани ўтган йилдагига қараганда 15 кун илгари бажарилди. Мамлакатга 70 минг тонна луб ҳосили топширилди.

Биз ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, тайёрлов пунктига яна кам деганда 20 минг тонна юқори сифатли луб юборишга қарор қилдик. Бунинг учун резерв бор. Ҳозир кунига заводга 1700—1800 тонна луб жўнатиб турибмиз.

Районимиз эришган бу ютуқда коммунистларимизнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни жонлантириб юборганликлари катта роль ўйнади. Район партия комитети мажлисбозликни мумкин қадар камайтириб, барча ташкилотчилик ишларини имконияти борича бевосита ишлаб чиқариш бригадаларига кўчирди. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, механизаторларнинг унумли ишлашини таъминлаш, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда сира нобуд қилмасдан ўриб олишда колхозларга ёрдам бериш масалаларини белгилаб чиқдик.

Район партия ташкилоти мавжуд 180 та ПП-9 машиналарини ўз вақтида ремонтдан чиқариш, комплектлаштириш, шунингдек колхозлардаги йўл ва кўприкларни ремонтдан чиқариш, барча бригадаларда умумий овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилди.

Ленин номли, «III интернационал», Димитров номли, Будённий номли, Энгельс номли ва бошқа жуда кўп колхозлар дастлабки кунларданоқ ўрим ишларини кучайтириб юбордилар. Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни ташкил этишга жиддий қараётган партия ташкилотларига Будённий номли колхоз партия ташкилотини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Пакнинг колхозчиларнинг ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг йўлга қўйилиши ҳақидаги, бригадирларнинг эса ўримнинг борили, нобудгарчиликка қарши кураш тўғрисидаги ҳисоботлари тез-тез эшитиб турилди. Шунингдек қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини узлуксиз контроль қилиб бордик.

Колхоз партия ташкилоти илгорларнинг тажрибасини оммалаштиришга катта аҳамият берди. Бир мисолни келтираман. Ўртоқ Эм Дон Чен бошлиқ бригада давлатга луб топшириш йиллик планини колхозда биринчи бўлиб бажарди. Бу илгор бригаданинг иши радио орқали барча бригадаларга маълум қилинди. Агитаторлар, инструкторлар ҳам бу тўғрида колхозчиларга ҳикоя қилиб бердилар, каноп ва жутни «Коммунист ўртоқ Эм Дон Чен бригадаси синғари уюшқоқлик билан йиғиб олингиз» деган сарлавҳа билан «Жанговар варақа» чиқарилди.

Район партия комитети коммунист ва комсомолларни колхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларига қўйилишида бошланғич партия ташкилотларига ёрдам берди. 400 дан ортиқ коммунист йиғим ишларида қатнашиб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Улар ҳаммавақт олдинги сафда, ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ерларда бўлдилар.

Энгельс номли колхознинг коммунист ўртоқ Чжен Дай Чер бошлиқ далачилик бригадаси аъзолари ҳам ўрим ишини биринчилар қаторида тугалладилар. Бу бригадала барча колхозчилар нормани ортиғи билан бажарди, меҳнат тўғри ташкил этилган, ПП-9 машиналаридан фойдаланишда графикка қатъий амал қилинган ҳолда иш юритилди. Машина ва тракторлар ўз вақтида техник қаровдан ўтказиб турилди.

«Родина» колхозининг коммунистларидан Тян Инокентий, Пак Нам Чер ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу бригадаларда пландагидан анча кўп каноп ва жут ҳосили етиштирилди.

Район партия комитети ўрим-йиғим кунларида агитаторларнинг ишига катта аҳамият берди. Биз уларни тез-тез йиғиб, газета ва журналларда босилиб чиқаётган материалларнинг қайси бирларини колхозчилар ўртасида кенг тушунтирилиши лозимлигини айтиб турамиз, илғорларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтирамиз.

Жуда кўп агитаторлар ташаббус кўрсатиб, ишга берилиб ўз вазифаларини бажармоқдалар. Будённий номли колхознинг 1-бригадасига биркитилган агитатор Р. Шиннинг фаолияти мақташга сазовордир. У далага, шийпонга қизиқ-қизиқ китоблар, газета-журналлар олиб борди, каноп поясини шилувчи агрегатларда ишлаётган кишилар ўртасида мусобақани қизитиб юборди. Шунинг учун ҳам бу бригада колхозда энг олдинги ўринни эгаллади. Агитатор ўртоқ Г. Жапаров ҳам шу колхознинг 5-бригадасида жуда яхши ишлар олиб бораяпти. У шу кунларнинг темасига оид бир неча қизиқ суҳбатлар ўтказди.

Колхозчиларимиз каноп ва жут ҳосилини ўриб-йиғиб олиб давлатга топшириш учун олиб борилаётган курашни бир минут ҳам сусайтирмасдан давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга улар келгуси йилнинг ғамини еб, шудгорлаш ишларини ҳеч унутмаётирлар. Ҳозиргача колхозларда 3 минг гектар ер шудгор қилинди. Уруғлик каноп-ни ўриш ва янчиш ишлари ҳам давом этмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари давлатга камида 900 тонна каноп уруғи етиштириш учун курашиб, сўзсиз ўз вазифаларини устидан чиқадилар.

И. СОТИБОЛДИЕВ
Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

Қолган ҳосилни ҳам нобуд қилмай йиғиб оламиз

Каноп ўсимлиги етиштиришнинг, ҳам парвариш қилишнинг ҳам ўзига хос йўллари бор. Мен 1941 йилдан буён далачилик бригадасига бошчилик қилиб келаман. Илғорларнинг тажрибасига суяниб, фан янгиликларини ишимизда қўлланиб йилдан-йилга ҳосилдорликни кўпайтирмоқдамиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан давлатга 157 центнердан кўк луб ҳосили топширдик. Бригадамиз аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида ҳосилдорликни янада оширишни мақсад қилиб, эрта баҳорданоқ ҳар бир ишни пухта бажаришга киришдилар.

Каноп экиш ишлари юқори агротехника муддатларида ўтказилди. Ёримиз кузда шудгор қилиниб, яхшилаб бороналанганлиги туфайли уруғлик текис ва сифатли униб чиқди. Биз ҳар туп каноп-ни кўз қорачиғидай асраб парвариш қилишга киришдик. Суғориш, озиқлантириш ишларини энг тажрибали колхозчиларга топширдик.

Бегона ўт кам бўлди. Борларини эса махсус колхозчилар ажратиб юлиб ташлаттирдик. Буларнинг ҳаммаси экинимизнинг текис ўсиши ва бўйдор бўлиб ривожланишига ёрдам берди. Ҳосил ўтган йилдагига қараганда анча эрта пишиб етилди.

Биз ҳосил ўрими ва йиғимига пухта тайёргарлик билан киришдик. Каноп поясини шилувчи ПП-9 машиналарида ишловчи колхозчилар бир-бирлари билан мусобақалашиб, дастлабки кунларданоқ унумли меҳнат қила бошладилар. Натижада ҳозирги кунга қадар ҳар гектар ердан 187 центнердан каноп пояси йиғиштириб олдик. Ҳали ҳосилимиз мўл. Биз қолган ҳосилни сира ҳам нобуд қилмасдан ўриб олиб, даланинг ўзида поясини шилиб, яна кам деганда гектаридан 3 центнердан луб топшиламиз.

Бригадамиз аъзолари уруғлик каноп етиштириш ишини яхшилашга ҳам муносиб ҳисса қўйиш учун курашмоқдалар. 38 гектарга экилган уруғлик каноп яхши етилди. Ҳозир уруғи ажратиб олиниб, поялари боғланиб жўнатишга тахт қилинмоқда. Уруғлик каноп-нинг ҳар гектаридан 123 центнердан поя ва 5 центнердан уруғлик оламиз.

Колхозчилардан Тен Хо Сеи, Тен Николай, Нурали Йўлдошев, тракторчилардан Ким Ден Нам ва бошқа ўртоқлар каноп ўриш, поясини шилиш ишларида ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Биз барча ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун зарур тадбирларни амалга оширамиз. КПСС Марказий Комитети навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб оламиз.

ХАМ МУН СЕК,
Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири.

МЎЛ ҲОСИЛ

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг аъзолари бу йил 1372 гектар ерда каноп етиштирдилар. Шундан 395 гектар ерда уруғлик каноп ўстирилди. Колхоз аъзолари дастлабки кунларданоқ ўрим-йиғимга уюшқоқлик билан киришдилар. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 145 центнердан кўк каноп пояси топширилиб, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришилди. Айрим бригадалар эришган ютуқлар, айниқса, қувончлидир. Социалистик меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ким Ин Тек бошлиқ бригада аъзолари 170 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 140 центнердан кўк поя топширдилар. Ҳали бригада далаларида ҳосил мўл. Илғорлар ўримни ва давлатга луб топширишни давом эттирмоқдалар. Суратда: Ўртоқ Ким Ин Тек бригадасида ПП-9 машинасида каноп поясини шилиш пайти.

М. Нуриддинов ва О. Есенрев фотолари.

Эртага пойтахтимизда атомшуносларнинг конференцияси очилади

АТОМ ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти атом реактори биносининг ташқи кўриниши.
А. Палехов фотоси.

☆ ☆

Атом саноат ва техникада

Совет олимлари 1954 йилда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишнинг ажойиб намунасини кўрсатдилар. Дунёда биринчи атом электростанцияси саноат токи бера бошлади. Ураннинг парчаланиши вақтида ажралиб чиқадиган иссиқлик энергияси сувни иситишда, буғ ҳосил қилишда ва турбогенераторни ҳаракатга келтиришда қўлланилди.

Биринчи совет атом электростанцияси янги атом электростанцияларини қуришда чинакам мактаб бўлди. Шундан буён атом техника ва саноатнинг жуда кўп соҳаларида қўлланилмоқда. Станокни тўхтатмасдан, уни совутмасдан туриб чўғ ҳолидаги тунукани қалинлигини ким ўлчайолади? Бу ишни радиоактив кобальтдан чиқадиган гамма нурлари бажаради. Тошкентлик олимлар ишлаган ана шундай аппарат 1958 йилнинг ўзидаёқ бир неча ўн миллион сўм маблағни иқтисод қилиб берди. Қудратли земснарядларнинг ишини осонлаштиришда ҳам Ядро физикаси институтида ишлаган плотномер деган асбоб қўлланилмоқда. Бу асбоб кобальт 60 изотопи чиқарадиган гамма нурлари принципи асосида ишлайди. Радиоактив изотопларнинг саноатда қўлланилиши натижасида 1958 йилда 2 миллиард сўмга яқин фойда кўрилганлигини айтиб ўтиш кифоядир. Бундан кейин ҳам атом энергияси халқ хўжалигига хизмат қилади.

Л. ГУРВИЧ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг илмий секретари.

Изотоплар кимёда кенг қўлланилмоқда

Совет олимлари томонидан ядро кимёси соҳасида олиб борилаётган катта илмий тадқиқотлар ва Менделеев даврий системасига кирган радиоактив изотопларнинг кўплиги ва турли реакцияларда нишонли атомларнинг қўлланилиши кимё фанининг жуда кўп соҳаларини ойдинлаштириб беришга ёрдам қилди.

Кимёвий анализда кенг қўлланилаётган радиоактив индикаторлар методи катта аҳамиятга эгадир. Бу метод турли анализларни аниқ, тез ҳал қилиб бера олади. Радиоактив изотоплардан фойдаланиш натижасида завод лабораторияларида олиб бориладиган кимёвий аналитик назорат ишлари анча яхшиланди ва енгилланди.

Ҳозирги замонда радиация ҳодисаларининг турли-туман кимёвий процессларга таъсирини ўрганишга бағишланган илмий ишлар катта аҳамиятга эга. Ядро нурланишлари ёрдами билан кимёвий процессларни бошқаришгина эмас, айни вақтда оддий кимёвий практикада жуда қийин йўл билан олинадиган турли-туман мураккаб бирикмаларни олиш мумкин. Ҳозирги вақтда ядро нурларини таъсир эттириш йўли билан бир қатор кимёвий полимерларни олиш мумкин бўлди. Бизнинг лабораториямиз Генетика ва ўсимликлар физиологияси институти билан ҳамкорликда гамма нурлари ва нейтронларнинг чигитга таъсирини чуқур ўрганмоқда. Бундан мақсад ғўзанинг тезроқ етилишини таъминлаш, пахта толасининг сифатини яхшилаш ва ҳосилни оширишдир. Айни вақтда чигитдаги жирнинг миқдорини ҳам ошириш кўзда тутилади. Ҳозир шу нарса маълум бўлдики, гамма нурлари ва нейтронлар пахтани тезроқ етилтиришга ва чигит таркибидаги оқсил, жир ва углевод каби моддаларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини яхшилашга ёрдам бермоқда.

А. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти радиация кимёси лабораториясининг мудири.

Атомдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш

Радиоактив изотоплар ёки нишонли атомлар деб аталувчи жуда майда заррачалар фан ва техникани турли-туман соҳаларида ва айниқса биологиянинг кўпгина йўналишларида муваффақият билан қўлланилмоқда. Нишонли атомларнинг лаборатория тадқиқотларида қўлланилиши ўсимликларнинг ҳаётини, уларнинг муҳит билан муносабатини аниқлашда олимларга жуда катта ёрдам бермоқда. Илгари билиш мумкин бўлмаган нарсалар ана шу нишонли атомлар ёрдами билан аниқланмоқда. Шу чоққача биология фани нишонли атомлар методи каби нозик ва аниқ методга эга эмас эди. Нишонли кимёвий элементларнинг қўлланилиши натижасида тирик организм ичида юз бераётган ўзгаришларни, улар ичига озуқа моддаларнинг тарқалишини кузатишга имконият бермоқда.

Нишонли фосфор ўғитларининг қўлланилиши ўсимликни фосфор билан озиқлантириш ҳақидаги асосий қарашларни ўзгартиришга мажбур қилди. Ўсимликнинг илдиз системасидаги ўсишни, модда алмашувини ва айниқса турли ўғитларнинг сингишини кузатишда ҳам нишонли атомлар методи кенг қўлланилмоқда. Ана шу метод ёрдами билан тупроқда юз берадиган процессларни чуқур ўрганиш имконияти туғилмоқда. Радиоактив элементлар ўсимликни озиқлантириш ва модда алмашув процессларини бошқариш соҳасида ҳам қўлланилмоқда.

Ўсимликни углерод билан озиқлантириш ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзгарди. Шу нарса маълум бўлдики, ўсимлик углеродни барг орқали заводнигина эмас, шу билан бирга илдизи орқали тупроқдан ҳам олар экан.

Айниқса, ғўзанинг ўсиши, авж олиши, ҳосилнинг сифатини яхшилаш ва миқдорини ошириш соҳасида радиоактив изотопларнинг қўлланилиши пахтачиликда янги даврни бошлаб беради. Айниқса, ғўзани барги орқали озиқлантириш соҳасида нишонли атомлар методи кенг қўлланилмоқда.

Углерод — 14 изотопининг барг орқали ўсимликнинг бутун танасига осонгина сингиши маълум бўлди. Нишонли атомлар методи ҳосилнинг етилиши даврини қисқартиришга ҳам ёрдам бермоқда. Ҳозир пахтанинг тезпишар ва серҳосил навларини яратиш проблемасини ҳал қилишда ҳам нишонли атомлар жуда катта аҳамиятга эга. Мевали дарахтлар маълум изотоплар ёрдамида нурлантирилганда уларнинг гуллаш процессларини кечиктириб туриш ва шу йўл билан совуқ уриб кетишдан сақлаб қолиш мумкин.

Нишонли атомларнинг биология ва қишлоқ хўжалигида бу қадар кенг қўлланилиши атом энергиясидан тинчлик мақсадларида кенг фойдаланилаётганлигини яққол кўрсатади.

А. БОРОДУЛИНА,
Н. НАЗИРОВ,
биология фанлари кандидатлари.

Виставка таассуротлари

Тошкентда очилган «Атом тинчлик учун» виставкаси катта муваффақият қозонмоқда. Ҳар куни виставкани 1,5 — 2 мингга яқин киши келиб кўрмоқда. Улар совет олимлари эришган ажойиб муваффақиятларидан ҳайратланиб, қалблари ифтихор ҳислари билан тўлмоқда. Мана улардан баъзиларининг юрак сўзлари:

Ҳамма нарса — атом ҳам инсон бахти-саодати йўлида хизмат қилаётган даврда яшаётганим учун чексиз қувонаман.

Э. КАРИМЖОНОВ,
Тошкент давлат консерваториясининг студенти.

Виставка менда катта таассурот қолдирди. Атом тинчлик хизматида экан, уруш бўлмаслиги муқаррар, келажагимиз янада порлоқ.

Г. РАЙСКИЙ,
Москва шаҳридаги 398- мактаб ўқувчиси.

Виставкани айланар эканман, ажойиб келажагимизни янада яқ-қол кўрдим. Тинчлик тантанаси, болаларимизнинг бахти бу!

У. КАРИМОВ,
пенсионер.

Ажойиб олимларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Кўзга кўринмас атом «сир»ларининг очилиши уларнинг самарали меҳнати туфайлидир.

С. ҲИДОЯТОВ,
Тошкент механика заводининг слесари.

Келгусида қишлоқ хўжалигимиз янада ривожланади, кам меҳнат сарф қилингани ҳолда мўл ҳосил олишга эришилади. Виставка экспонатлари ана шундай демоқда.

Р. НАВРЎЗОВ,
«Мирзачўл» совхозининг агрономи.

Атом энергиясининг медицинада қўлланиши ҳатто инсон тасаввур қилмаган мўъжизалар яратиш имкониятларини очади. Бу шубҳасиздир.

С. РАСУЛЕВ,
медицина ходими.

Ядро-физикаси институтининг радиация кимёси лабораториясида изотопларнинг оқсил моддаларга таъсири ўрганилмоқда. Суратда: лаборант Ю. Белопухов тажриба олиб бораётир.
С. Йўлчиев фотоси.

Илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш истиқболлари

Маълумки, XX асрнинг биринчи ярми ядро физикасини ривожлантириш соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилган даврдир. Бу даврда атом ядроси қурилишининг умумий принциплари очилибгина қолмасдан, шу билан бирга атомларда нақадар кўп қувват запаслари мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш йўллари кашф этилди. Шу муносабат билан атом ядро кучларининг майдонигина бўлиб қолмасдан, ижтимоий кучларнинг кураш майдонига ҳам айланди.

Агар ядро кучларининг ҳаракати туфайли атом энергияси оқими юзага келса, ана шу энергиядан қандай мақсадларда фойдаланиш масаласи ижтимоий кучларнинг кураши натижасига боғлиқдир. Атом энергиясидан одамларни ёппасига қириш, шаҳар ва қишлоқларни, маданият ёғдорликларини вайрон қилиш учун фойдаланиш керакми, ё уни инсон бахт-саодати хизматига сафарбар этиш лозимми деган саволларга жавоб бериш керак.

Совет ҳукумати ва Коммунистик партия тинчликсеварликдан иборат ленинча сиёсатни оғишмай амалга оширабориб, совет олимлари ва инженер-техникларининг ядро физикаси ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларда қўлланиш соҳасидаги ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни рағбатлантириб келмоқда. Бу ғамхўрликлар натижасида совет олимлари атом энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган муваффақиятларни қўлга киритдилар. Жумладан, дунёда биринчи атом электростанцияси, улуғвор «Ленин» атом музёрари ишга туширилди. Атом СССРда халқ хўжалигининг ҳамма асосий соҳаларида муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Бу муваффақиятлар СССР Фанлар академияси, СССР Медицина фанлари академияси, В. И. Ленин номидаги Бутииттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг махсус сессияларида, атом энергиясидан фойдаланишга бағишланган Женева ва Киев, Париж ва Варшава ҳамда бошқа шаҳарларда ўтказилган халқаро конференцияларда қайд қилиб ўтилди.

КПСС XXI съезди совет фанини, айниқса табиий-илмий фанларни, хусусан физика фанларини зўр бериб ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда ядро физикаси фани табиий фанларнинг асосий ва ҳал қилувчи йўналиши бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги илмий тадқиқотларга жуда катта аҳамият берилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз миллий республикаларда ҳам фанни ривожлантиришга катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Бу ғамхўрликнинг ёрқин далилларидан бири 1956 йил июль ойида Тошкентда ядро физикаси институти ташкил қилиш ҳақидаги қарор бўлди.

Бу институтнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида, Тошкентда барпо этилиши республикамизда маҳаллий миллат вакилларидан юқори малакали, камолга етган кадрларнинг етишиб чиққанлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Институт атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш проблемаси билан боғлиқ бўлган масалалар устида, шу жумладан ядро физикасининг фундаменталь соҳаларида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ядро физикаси соҳасида ишловчи мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига мувофиқ САГУ составида физика факультети, САЗПИ энергетика факультетининг составида ядро физикаси ихтисоси бўйича инженер физиклар бўлими ташкил этилди.

Институтимиз коллективи асосан САГУ, ЎзГУни тамомлаган, Москва, Тошкент ва бошқа жойлардаги техник олий ўқув юртларида таълим олган истеъдодли мутахассислардан иборат. Институтимизнинг илмий базаси шу йил 10 сентябрда тантанали равишда ишга туширилган ва Шарқда ягона бўлган атом реактори, қурилаётган циклотрон, қудратли кобальт гамма нурлари установкаси ва махсус ускуналанган кимёвий, радиокимёвий ва физик корпуслардан иборатдир. Ана шу катта илмий базада ядро физикаси ва ядро кимёси соҳасидаги термоядро реакциялари процессларини амалий равишда вужудга келтириб, ҳамма зарур тадқиқотларни олиб бориш мумкин.

Шуни қайд қилиш керакки, Тошкентда атом марказининг вужудга келишида СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик, айниқса, рус олимларининг самимий, бегараз ёрдами ҳал қилувчи роль ўйнади. Атом реакторлари ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида, радиокимё, биология ва радиоактив изотоплар соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришга хизмат қилади.

Институтимизда беш бўлим, 16 лаборатория бор.

Ядро реакциялари, секин ҳаракат қилувчи нейтронлар, нейтрон трубачалари ва радиация физикаси лабораторияларини бирлаштирган ядро физикаси бўлими яқин вақт ичида масспектроскопия ва ядро спектроскопия лабораториялари ҳисобига кенгаяди.

Радиокимё соҳасидаги асосий вазифаларимиз ядро реактори, циклотрон ва нейтрон трубалари ёрдами билан турли радиоактив изотоплар олиш ва уларнинг физик ҳамда кимёвий хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

Институтда ўрнатилган гамма нурлари, нейтронлар ва заряли заррачаларнинг қудратли манаба-лари ҳисобланган установкалар физика ва бошқа илмий-текшириш институтлари учун радиоактив изотоплар ва ядро нурланишларидан биология ва медицинада, ноат ва қишлоқ хўжалигида жуда кенг фойдаланиш имкониятинибе-ради.

Радиокимё бўлими изотопларнинг радиация кимёси ва кимёсоҳаларидаги хусусиятларини ўрганмоқда. Янги методнинг қўлланиши натижасида 16 аминокислота ва 3 жир кислотаси топилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экишдан олдин радиоактив нурлар ўтган чигитдан униб чиққан ғўзанинг вегетация даври қисқаради, чаноғининг оғирлиги анча ошади. Ундаги жирнинг миқдори эса 1—1,5 процент ортади.

Радиоактив нурланишлардан ишлаб чиқариш процессларини назорат қилиш ва автоматлаштириш соҳасида фойдаланиш ишлари кенгайиб бормоқда. Совет экономистларининг ҳисобига кўра ана шу соҳадаги ишлар етти йиллик охири бориб йилига 4—5 миллиард сўмга яқин маблағни тежаш имконини беради.

Институт коллективи бу йил радиоизотопларни ишлаб чиқариш процессларини интенсивлаштириш ишларида қўллаш имкониятларини аниқлаш учун Тошкент, Фарғона Самарқанд ва Бухоро совнархозларига қарашли 50 корхонани кузатиб чиқди. Йиғилган материаллар асосида тузилган план республика Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитети қарамоғига тақдим этилди. Институтимиз томонидан ишлаб чиқилган янги асбоблар 17 корхонада муваффақиятли равишда қўлланилмоқда.

Радиоактив изотопларни қўллаш орқали ипакчиликда қувончли натижаларга эришилди. Янги универсал кобальт гамма нурлар манбаи бўлган қудратли универсал установкани лойиҳалаш ишлари тугай деб қолди. Бу установка ишга тушса, республикада биологик ва техник объектларда радиацион ва физик процессларни осонлаштириш, гамма нурларидан турли соҳаларда фойдаланишнинг қулай усулларини ўрганишга катта имкониятлар туғилади.

Автоматик универсал радиацион регуляторлар бир қатор корхоналарда муваффақият билан қўлланилмоқда. Бу эса қўплаб маблағ тежаш имкониятини бермоқда.

Совет олимлари атом энергиясидан халқ хўжалигида буидан ҳам кенгроқ қўлланиш йўлида тинмай тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Атомшуносларнинг Тошкентда очиладиган конференцияси эса ана шу олижаноб мақсад йўлида, ядро физикасининг битмас-туганмас имкониятларини халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилдириш соҳасида янги бир босқич бўлади.

У. ОРИПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори, академик.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мактублари

ЛОНДОН, 25 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши ижрочи президентининг қарорғоҳи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг раисига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига юборилган мактубларни эълон қилди.

ЮКСАК ДОИРАДА КЕНГАШ ЧАҚИРИШГА ДАЪВАТ

Кўп йил давом қилган совуқ урушдан кейин Совет Иттифоқи ҳукуматининг бошлиғи АҚШга визит қилиб борди, АҚШ президенти эса СССР га бормоқчи. Воқеаларнинг бориши ўзгарди. Бутун дунё 1946 йилдан бошлаб уруш тайёрлаш йўлига тортилиб келган эди, энди бу йўл ўзгартирилиши мумкин.

Вазият яхшиланиб бораётганлигини кўрсатувчи бошқа белгилар ҳам бор. Ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги музокаралар битай деб қолди, агар шу босқичда битимга келинмаса, у ҳолда бунинг сабаби нималигини ҳеч ким тушунмайди. Қуролсизланиш масаласи билан шуғулланадиган янги комитет бамаслаҳат келишиб ишлаш асосида ишга тушмоғи лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида контроллик қилинадиган ёппасига қуролсизланиш масаласи қатъий қилиб қўйилди.

Бизнинг ҳаракатимиз, шунингдек тинчликни ҳимоя қилиш йўлида ишлаётган бошқа турли ташкилотлар ва ҳаракатлар ўзлари даъват қилиб келган ўзгаришларнинг бошланганлигини энди кўриб турибдилар ва ўзларининг куч ва ғайратлари билан бундай ўзгаришларнинг бошланишига ёрдам бердилар. Ҳукуматлар халқларнинг истагига қулоқ солишлари лозим, чунки совуқ уруш халқларнинг жонига тегди.

Лекин ҳали ҳал қилинмаган лозим бўлган проблемалар мураккаб проблемалардир. Жаҳонни заҳарлаб турган ишончсизлик ҳали йўқотилгани йўқ. Кескинликнинг тугатилишига қарши чиқаётган кучлар ҳали ҳам бор. Музокаралар ва фикр олишувларнинг мумкин қадар энг яхши натижа беришини таъминламоқ учун юксак доирадаги кенгаш ҳеч бир кечиктирилмай чақирилиши лозим.

Жамоатчилик фикри давлат арбобларини бир-бири билан учраштирди. Уларни то бамаслаҳат бир фикрга келгунча бу ҳаракатни яна давом эттиришга ҳам жамоатчилик фикрининг кучи йўллаб туради. Истаклар шу яқин ўртадаги ҳал қилувчи ойлар ичида рўёбга чиқиши мумкин. Агар биз ҳаммамиз — алоҳида равишда ва ўз ташкилотларимизда ғайратимизга ғайрат қўшиб биргаликда иш олиб борсак, у ҳолда кенгаш чақирилишини ва шу кенгашнинг натижаси тариқасида битим тузилишини жадаллаштиришимиз мумкин.

Урушни йўққа чиқариш ҳозир орзу эмас, балки ҳукуматлар олдида турган бурчдир.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА ТЕЛЕГРАММА

Инсониятнинг тақдирини ҳал қиладиган муҳим проблемаларни бартараф қилиш истиқболини очиш мумкин бўлган янги ҳолат вужудга келган бир пайтда, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига ишонч билан мурожаат қилаётир.

Қуролсизланиш проблемалари ҳозирги вақтда бу проблемаларни амалий ҳал этишга умид боғлайдиган тарзда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдига қўйилганлигини эшитиб, биз жуда мамнун бўлдик.

Контроллик остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан тақдим этилган программа, Англия ҳукумати ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан қилинган таклифлар, қуролсизланиш комитетини паритетлик асосда тузиш тўғрисида тўрт буюк давлат ўртасида тузилган битим ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган бошқа бирмунча тадбирлар — мана шуларнинг ҳаммаси халқаро сиёсий аҳволда муҳим ўзгаришлар рўй берганлигидан далолат беради.

Жамоатчилик фикри Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Жамоатчилик ҳозир ўтаётган сессия совуқ урушни тугатмоқ ва қуролсизланишни бошлаб юбормоқ учун конкрет чоралар кўради, деб умид қилади.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ УЧРА

Кеча марказий «Пахтакор» стадионида вьетнамлик футболчилар иккинчи учрашувни ўтказдилар. Бу гал улар майдон эгалари — «Пахтакор» командаси билан ўйнадилар.

Ўйин бошланишидан қизғин тус олди. Меҳмонлар бир неча марта «Пахтакор» дарвозаси олдида хавфли ҳолатлар туғдирдилар. Узоқ вақт ҳисоб очиш имкони бўлмади.

Ўйиннинг 35-минутида Красницкий меҳмонлар дарвозасига 1-тўпни киритди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисоби билан тугайди.

Танаффусдан кейин пахтакорликлар маҳорат кўрсатишдан ўйнайдилар. Уларнинг ҳужумчи Красницкий, Семёнов ва Тиловлар яна биттадан тўп киритдилар.

Шундан кейин вьетнамлик футболчилар қаттиқ ҳужумга ўтиб, «Пахтакор» дарвозасига бир тўп киритишга муваффақ бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган ўйин 5:1 ҳисоби билан тошкентликлар ғойдасига ҳал бўлди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.
И. МАНСУРОВ.

Бугун „ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" газетасида

Биринчи бетда Н. С. Хрушчевнинг Пенсильвания штатидаги Питтсбург шаҳрида савдо-саноат ва жамоат доираларининг вакиллари билан 1959 йил 24 сентябрда бўлган учрашувда сўзлаган нутқи босилган. Шу бетда областимизда 150 минг тонна пахта тайёрланганлиги тўғрисида хабар берилган.

Иккинчи бетда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ўтказиладиган Тошкент конференцияси олдидан мақолалар босилган.

Учинчи бетда босилган хат-хабарлар Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларидаги каноп ҳамда жут экувчи колхозларнинг ғалабасига бағишланган.

Тўртинчи бетда В. Сусловнинг «Абадий музликлар орасида 800 кун» сарлавҳали мақоласи, маҳаллий ва чет эл хабарлари босилган.

Телевизор экранида

27 СЕНТЯБРДА

12.00. «Ҳарбий сир» номли бадиий фильм ва «Башаранг қийшиқ бўлса, нўзгудан ўпкалама» деган эшиттириш.

19.00. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга бағишланган Тошкент конференцияси ҳақида эшиттириш.

19.15. Киножурнал.

19.25. Сўнгги ахборот.

19.45. Кино-концерт.

21.45. Пахта йиғим-терими илғорлари учун ашула ва рақс кечаси.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари ва

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IX да кундуз **Жизель**, кечқурун **Чио-Чио-Сан**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — театр коллективининг отпускага чиқиши олдидан охирги спектакллар — 27, 30/IX да **Ошиқ Ғариб**, 28/IX да **Катта концерт**. Концертда Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Раззоқ Ҳамроев, Соҳиб Хўжаев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдурахмонов, Рауф Болтаев**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ҳожиакбар Аҳмедов**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Ҳасан Султонов, Мунаввар Давлатова, Отажон Ражабов** ва солистлар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — қишки мавсум бошланди — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Пётр Маяцкий** раҳбарлигида **Украин давлат цирки артистларининг ва Анатолий Шаг аттракцион труппасининг гастроллари**. Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 яримда кенг экранли фильм **Сампо**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Фурқат**.

НАВОИЙ номли (қишки, кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (ёзги) — **Фурқат** (ўзбек тилида).

«9 МАЙ» — **Тарих сабоғи** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Кэмпбелл короллиги**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 07837. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1888.